



Ислом Нури

Агар ўлсак, суолсиз тарк этилсак,
Бўлар эрди бу мавт бизларга роҳат.
Бу нодон хосиринлар фикри бешак,
Ўлимдан сўнг сўралмоқ бор ҳақиқат.

У билан яхши таниш эмасдим, масжидда уни кам кўрардим, агар кўриб қолсам у билан астойдил саломлашардим ва у билан танишиб, гаплашишга иштиёқманд бўлиб юрардим...

Ваниҳоят ўша фурсат келди. Аср намозидан чиқиб, бир дўстим билан масжид ташқарисида гаплашиб турган эдик, у келиб қолди ва аввал дўстим, кейин мен билан саломлашди. Маълум бўлишича улар эски таниш бўлиб, бирга ўқишган экан. У ёқ бу ёқдан гаплашдик. Мен уларни уйимга маҳмонга таклиф қилдим. Улар эртага асрдан кейин келишга ваъда бердилар.

Дўстимдан у ҳақида сўрадим. У менга унинг яхши инсон эканини айтди. У масжидга бир девор қўшни бўла туриб масжидда кам кўринишининг сабабини сўрадим. У менга бу дўстиниг ишхонасида ёмон оғайнилари бўлиб, уларга қўшилса масжидда кам кўриниб, намозга келмаслигини ва сафарлари кўпайиб кетишини айтди. Уни ёмон дўстларидан ажратиш учун энг афзал йўл ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Мен дўстимни хотиржам қилиб: “Кучим етганича уни улардан узоқлатишга ҳаракат қиламан, сен эса бу ишда Аллоҳ менга ёрдам беришини сўраб дуо қил ва мен Аллоҳ учун ҳаракат қиламан”, - дедим.



Ислом Нури

Меҳмондорчиликка тайёргарлик кўрдим ва бу ишдан кўп хурсанд бўлдим, шояд Аллоҳ уни мен сабабли ҳидоят қилса. Баъзи дўсларимга хабар бериб, уларга: уни ёмон дўстларидан ажратишимиз кераклигини ва бу иш фақат барчамизнинг ўзаро ҳамкорлик қилишимиз ва унинг меҳр-муҳаббатини қозонишимиз билангина бўлишини айтдим.

Улар ваъдалашган вақтда етиб келдилар ва мен хоҳлаган нарса ҳосил бўлди. Бу одам ҳақиқатда яхши ва одамшаванда экан. Ҳар хил мавзуда суҳбатлашдик, шу кунларда ҳавонинг ёмғирли бўлаётгани ва фалон минтақада баҳор этагини ёзгани ва у ер ям-яшиллиги ҳақида гапирдик. Суҳбатда ўзаро тил топишиб кетдик, чунки у ажойиб манзарали, кўкаламзор жойларни яхши билар экан. Шунинг учун фалон минтақа бошқа жойлардан афзаллигини ва бунинг сабаби ям-яшил ўтлар билан қопланган қумли ер бўлиб, ана шу қум тепаларнинг ўртасида кўл борлигини айтди. Биз шу ҳафтанинг охирида ўша гўзал жойга чиқишга келишдик. У бизни меҳмон қиламан деб қаттиқ туриб олди, лекин биз қабул қилмадик. Биз унга, сиздан шу фикрнинг чиқиши ва йўлни топиб олиб боришингиз етарли, дедик. Маслаҳатдан кейин сафар чиқимлари ўртада бўлишига келишдик.

Ширин баҳор ҳовоси, қум тепалар ўртасида жойлашган бу гўзал майдон. Ҳақиқатда у энг гўзал жойлардан эди.

У киши бизни ёқтириб, яхши кўриб қолди. Ўртамизда муҳаббат ва улфатчилик пайдо бўлди. Чунки узоқ жойларга дам олиш учун чиқиш ҳамманинг ўртасида яқинликни пайдо қилади. Дўстлигимиз узоқ вақт давом этди, сахрога чиқишимиз ҳеч қандай олдиндан хабар беришсиз бўладиган бўлди. Чунки ҳар ҳафтанинг охирида чиқишга келишиб олгандик.



Ислом Нури

Сафарда кундалик тартибимиз бор бўлиб, унда вақтда унумли фойдаланишни режалаштирган эдик. Спорт билан шуғулланадими ёки дам оладими фарқи йўқ. У ерда бомдод ва аср намозидан кейин қисқа муддатли дарс бор эди.

Мен ҳар ҳафта охирида уйдан ташқарига чиқишдан қаттиқ қийналдим, чунки бу менинг ўқиш ва ёзиш учун фориф бўладиган вақтим эди. Бунинг устига, мен оиламдан анчагина бепарво бўлдим. Лекин биродаримиз намозларини ўз вақтида ўқийдиган ва жамоат намозларини ўқиш учун доим масжидга қатнайдиган бўлди. У аста-секин яхшиланиб, тўғрилана бошлади. У менга яқин жойда яшагани учун мен у билан алоҳида учрашиб, алоқа қилиб туришимга фурсат бор эди. Шунинг учун менга, илгари бошидан кечирган кўп нарсалар ва кўринмай қолишининг сабаблари ойдинлашди. У етим бўлиб бобосининг уйда тарбия топган экан...

Бу алоқамиз роппа-роса икки ой давом этди. Кейин мен Аллоҳнинг тақдири билан ишимга яқин бўлгани учун шаҳар четидаги бошқа бир уйга кўчиб ўтдим. Шундан кейин ўша кунлар, сафарлар ва ҳатто менда телефон бўлмагани учун телефон орқали бўладиган алоқалар ҳам узилиб қолди. Шу сабабли қисқа муддат бу киши билан кўриша олмай қолдим, ҳатто унинг уйига қўнғироқ қилганимда уни уйда йўқ деб айтишарди.

Аҳволларни ўзгартирувчи Зот бенуқсондир. Биз билан бирга дам олишга бориб юрган дўстлардан бирининг айтишича, у аввалги ёмон оғайниларига қўшилиб, яна Аллоҳдан узоқлаша бошлабди ва сафарлари кўпайиб кетибди. Оиласига қарамай қўйибди ва яна эски ҳолатига қайтиб, жамоат намозларини ташлаб қўйибди. Мусиқа эшита бошлабди. Қуръон ёдлашни ташлаб, диндор йигитлардан ажралибди.



Ислом Нури

Фойдали китобларни ўқимай қўйибди. Бунга ачиндим, ўзим ва унинг ҳаққига Аллоҳга дуо қилдим. Баъзи биродарларни яна шу сафаларни қайта давом эттиришга қизиқтирдим.

Малъум муддатдан кейин дўстларимдан бири менга қўнғироқ қилди, унинг овози бошқача эди ва у менга ўша одамнинг вафот қилганини айтди.

“Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтарилгувчилармиз”. («Бақара» 155- оят).

Унга нима бўлибди, уни анчадан бери кўрмаган ва уйда топмагандим, кейин унга кўп қўнғироқ қилгандим. Дўстимнинг менга айтишича, у ёмон дўстлари билан Шарқий Осиёга сафар қилиб, у ерда наркотик моддадан катта доза (миқдор) истеъмол қилиб ўлган, қайтаётган самолёт бортида тобутда олиб келинган ва у билан ўлимнинг сабаби наркотик моддаларни истеъмол қилиш эканини тасдиқлайдиган текширув анализи бўлган.

Унинг ҳаёти ёмон якунланганидан қўрқиб кетдим ва қалблар Аллоҳнинг икки бармоғи орасида бўлиб, Аллоҳ уларни хоҳлаган тарафга буришига аниқ ишондим.

У ўз тавбасида кўп давом этмади. Балки олдинги ҳолатига қайтди.

“Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтарилгувчилармиз”. («Бақара» 155- оят).

У ўз ҳаётида ёмонликдан яхшиликка ўзгарди, кейин яна ёмонлик йўлига қайтди ва унинг ҳаёти ёмонлик билан якунланди. Оиласидагилар: “Қани энди у, бундан бошқа ҳар қандай ўлим билан



Ислом Нури

ўлганида эди”,- деб, афсус- надомат чекдилар.

Қўлимни осмонга кўтариб, чин қалбимдан дуо қилдим:

“Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот қалбимни Ўз динингда мустаҳкам қил!”.